

ЎЗБЕКИСТОН БМТ ХАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

*Журақулова Фарангиз Турақул қизи,
Тошкент давлат педагогика университети,
тарих факултети 3 босқич талабаси*

XXI асрда дунё ижтимоий-сиёсий жараёнлари тубдан ўзгарди, инсон ва инсоният, одам ва олам тақдирига дахлдорлик ҳисси тобора кучайди. Ўзбекистон ёш мустақил давлат сифатида ўз мавқейи ва нуфузини мустаҳкамлаш билан бирга дунё ахлини жаҳон сиёсатини ислоҳ қилишга даъват этган давлатлардан бири бўлиб майдонга чиқди. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг тўла хуқуқли асосда энг обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотлар таркибиға кириб, уларнинг ишида фаол қатнашаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

1991-2022 йиллар оралиғида Ўзбекистонни дунёни 180 ортиқ давлати тан олди[1], шундан 138 та давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди[2]. Ўзбекистон Республикаси ҳозирда 100 дан ортиқ халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг teng хуқуқли аъзоси ҳисобланади[3]. Шу жумладан, БМТ[4], Жаҳон почта иттифоқи, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Осиё ва Тинч океани иқтисодий ва ижтимоий комиссияси, Халқаро Мехнат ташкилоти, Халқаро электр алоқалари Иттифоқи, Халқаро Реконструкция ва ривожланиш банки, Халқаро валюта фонди, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар билан алоқа ўрнатиб, аъзоликка қабул қилинди[5].

БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши 1992 йил 29 январда Бош Ассамблеяга Ўзбекистон Республикасини БМТга аъзо қилиб олишни тавсия қилди. Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 2 марта халқаро тинчлик, хавфсизликни сақлаш ва ҳамкорлик ташкилоти бўлмиш БМТга аъзо бўлди. Ўзбекистоннинг давлат байроғи Нью-Йорқдаги БМТ бош қароргоҳи олдидаги дунё мамлакатлари байроқлари қаторида ҳилпирай бошлагани – халқимиз, аждодларимизнинг азалий орзуси – миллий истиқлолимизнинг халқаро ҳамжамият тоомонидан тан олинганини рамзий ифодаси эди. Бу тарихий воқеа Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида халқаро ҳамжамиятдан муносиб ўрин олишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси БМТнинг халқаро ва минтақа масалаларидаги фаолиятида ўз нуқтаи назари ҳамда таклифлари билан фаол иштирок этиб келмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси республикада БМТнинг тараққиёт Дастури, Саноат тараққиёти Дастури, қочоқлар иши бўйича вакиллари Олий комиссари, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти, Ахоли жойлашиш жамғармаси, наркотикларни назорат қилиш бўйича Дастур, Болалар жамғармаси, Таълим, фан ва маданият масалалари

бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО), Гендер тенглиги ҳамда аёллар хуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш масалалари бўйича тузилмаси сингари ихтисослашган муассасаларни ўз таркибига бирлаштиришга муваффақ бўлди[6].

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда тинчликсевар сиёsat ўтказиши учун кенг имкониятлар вужудга келди. 1993, 1995, 2000, 2010 йилларда бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблейсининг сессияларида Ўзбекистон биринчи Президенти И. Каримовнинг иштироки ва ундаги маъruzаси Ўзбекистонни жаҳонга кўхна ва навқирон давлат сифатида танитди. Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2017, 2020, 2021 йиллардаги БМТ минбаридан сўзлаган нутқлари Янги Ўзбекистонинг очиқ, прагматик ташқи сиёsatи, Орол муаммоси, Афғонистонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги чиқишлари билан аҳамиятли бўлди. Ўз навбатида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожланишида БМТ Бош котиблари[7] 2002 йилда Кофи Annan[8], 2010, 2015 йилларда Пан Ги Мун, 2017 йилда эса амалдаги бош котиби Антонио Гуттерришни Ўзбекистонга ташрифи муҳим роль ўйнади[9].

Ўзбекистон раҳбарларининг БМТ йигилишларда сўзлаган нутқларида, бугунги куннинг долзарб масалаларига оид Ўзбекистон Республикаси номидан билдирилган таклифлари жаҳон ҳамжамияти мамлакатларининг эътиборини ўзига жалб этди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И. Каримов БМТнинг 2010 йил 20-21 сентябрь кунлари Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблейсининг Мингийиллик ривожланиш мақсадларига бағишлиланган олий даражадаги ялпи мажлисида иштирок этиб, ўз нутқида жаҳоннинг турли нутқаларида ҳамон давом этаётган урушлар ва қарама-қаршиликлар, сақланиб қолаётган давлатлараро, миллатлараро ва динлараро зиддиятлар, қашшоқлик, очлик, оналар ва болалар ўлими, эпидемиялар ва бошқа муаммолар инсониятнинг умумий тараққиёт йўлидаги энг жиддий тўсиқлар бўлиб қолаётганлигини алоҳида таъкидлади[10].

Ўзбекистон Рпрезиденти Шавкат Мирзиёев ҳам ўзининг 2017 йил 19 сентябрдаги БМТнинг 72- сессиясида нутқида кўплаб халқаро ва глобал масалаларга тўхталиб, жумладан, Ўзбекистон бугунги кунда ўзининг ташқи сиёsatида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратаётганини таъкидлаб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблейсининг Марказий Осиё давлатларининг хавфсизликни таъминлаш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга доир маҳсус резолюциясини қабул қилиш таклифини киритди[11]. Аслида, Ўзбекистон ташқи сиёsatида ҳар доим Марказий Осиёдаги хавсизлик, барқарорлик масаласи эътибори марказида бўлган. Жумладан, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядросиз минтақа масаласи бўйича ташабbusи кўтарган ташабbusи ҳам жаҳон ҳамжамияти томонидан ижобий баҳолангандан эди[12]. 1997 йил 9 декабрда эса

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Марказий Осиёда ядросиз минтақа масаласи бўйича маҳсус резолюцияси қабул қилинди[13]. Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари 2006 йил сентябрь ойида Семипалатинскда Марказий Осиё давлатлари ядро қуролидан ҳоли зона шартномасини имзолади. БМТнинг 61-сессиясида Марказий Осиё ядро қуролидан ҳоли зона эканлиги тўғрисида Бош Ассамблея резолюция қабул қилди. 2009 йилнинг март ойидан бошлаб эса, бу ҳақдаги шартнома кучга кирди[14]. Бундан ташқари, Ўзбекистон БМТнинг маҳсус ташкилоти МАГАТЕ билан 1998 йилдан шартнома асосида алоқа ўрнатиб, ҳамкорликда қўплаб минтақавий ва минтақалараро ҳамда миллий лойиҳаларни амалга ошироқда[15].

Сўнгги беш йил ичида Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилиди. Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72 - сессиясида, 25 — сентябр 2020-йилда видеоконференция шаклида ташкил этилган 75-йиллик юбилей сессиясида, шунингдек, 2021-йилда онлайн форматда-БМТ инсон ҳукуқлари Кенгашининг 46-сессиясида ва Бош Ассамблеяниң 76-сессиясида нутқ сўзлади. Мажлисда халқаро ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, таълим, маънавият, экология, туризмни янада ривожлантириш, инсон ҳукуқларини ҳимоя қилиш ва бошқа соҳаларда Ўзбекистон ташабbusлари эълон қилинди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил сентябрида БМТнинг 75 –сессиясида кўплаб муҳим масалалар бўйича фикрларини билдириб, Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқиши, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш масалалари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг доимий эътибор марказида бўлиб қолиши зарурлигини қайд этди[16]. Бу борада “Бекарор ва вайронкор вазиятдан – тинчлик ва бунёдкорлик сари” деган тамойил асосида иш олиб бориш муҳимдир. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ 75-сессиясидаги маъruzаси тарихий нутқ сифатида нафақат Ўзбекистон балки, жаҳон тарихида ҳам из қолдиради. Чунки, ушбу нутқ илк маротаба халқаро доирада, ушбу глобал халқаро ташкилот миқёсида ўзбек тилида амалга оширилди. Шу ўринда қайд этиш жоизки, Ўзбекистон вакиллари 1950 йилдан бошлаб БМТ Бош Ассамблеясида нутқ сўзлаганлар. Бироқ Президент Шавкат Мирзиёевнинг нутқи илк маротаба ўзбек тилида БМТнинг юксак минбаридан янгради[17]. Бу нафақат Ўзбекистон балки, хориждаги кўпсонли ватандошларимиз ҳамда жаҳон жамоатчилигини ниҳоятда қувонтирди[18].

Президентнинг 2021 йилнинг сентябрида БМТнинг 76 – сессиясида нутқ сўзлади. Ва унда ҳозирги қийин даврда Афғонистонни яккалаб, уни муаммолар гирдобига ташлаб қўйиш мумкин эмаслиги, Афғон масаласида Бирлашган

Миллатлар Ташкилотининг таъсири ва овози ҳар қачонгидан ҳам кучлироқ янграши лозимлигини таъкидалади[19]. Чунки, 2021 йил 15 августда Афғонистонда Толибон ҳаракати расмий Афғон ҳукуматини эгаллади ва ўз ҳокимиятини ўрнатди. Бу ҳолат шундоқ ҳам қийналаётган Афғонистон халқи учун навбатдаги жиддий синов бўлди. Ўзбекистон раҳбарини бу масалага эътибор қаратиши, Афғонистонда юзага келган иқтисодий қийинчиликларда дунё ҳамжамиятини ёрдами кераклигини яна бир бор таъкидалади.

Ўзбекистон раҳбарининг ўтган давр мобайнида БМТ Бош Ассамблеялари сессияларида нутқларида илгари сурилган аксарият ташабbusлар халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватлангани ва бугун ўзининг амалий ифодасини топаётганини таъкидлаш лозим.

Хусусан, ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган минтақавий ва глобал муаммолар ечими бўйича халқаро ташабbusлар асосида БМТ Бош Ассамблеясининг 4 та маҳсус резолюцияси қабул қилинди:

- “Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш учун минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш”;
- “Маърифат ва диний бағрикенглик”;
- “Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш”;
- “Оролбўйи минтақасининг экологик инновациялар ва технологиялар зонаси деб еълон қилиниши[20]”.

БМТ Бош Ассамблеясининг юқоридаги қарорларни қабул қилингани Ўзбекистоннинг сўнгги йиллардаги саъй-ҳаракатлари халқаро миқёсда эътирофидир[21].

Ўзбекистон ўтган давр мобайнида 200 дан ортиқ универсал халқаро шартномалар ва конвенцияларга[22], шу жумладан, инсон ҳуқуқлари бўйича 70 га яқин конвенцияга қўшилди[23]. Улар орасида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар, иқтисодий битимлар, Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги, Оналики мухофаза қилиш тўғрисидаги конвенциялар бор.

Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлигига Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик масаласи ҳар доим устувор ҳисобланган. Ўзбекистон раҳбарлари деярли барча БМТдаги чиқишларида ушбу масалага эътибор қаратишган. Афғонистон бўйича Ўзбекистон томонидан берилган таклифлар халқаро миқёсда қабул қилинган. Ушбу масалага бағишлиланган кўплаб учрашув ва конференциялар БМТ билан ҳамкорликда Ўзбекистонда ўтказилиб келинмоқда.

Афғонистон бўйича “6+2” гурӯҳи учрашувининг якунловчи хужжати ўлароқ 1999 йил 19 июлда “Афғонистондаги можароларни тинч йўл билан ҳал қилишнинг асосий принциплари тўғрисидаги” Тошкент декларацияси қабул

қилинди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Тошкент Декларацияси расман Афғон муаммосини сиёсий йўл билан ҳал қилиш учун асос сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг хужжати мақомини олди. Бу хужжат БМТ Бош Ассамблеясининг резолюцияси сифатида 1999 йил 17 декабрдаги ялпи мажлисда қабул қилинди. Резолюция барча қарши курашувчи томонларни уруш ҳаракатларини дарҳол тўхтатишга, ўт очишнинг тўхтатилишига ва 1999 йил 19 июндаги Тошкент Декларациясининг бажарилишига эришиш мақсадида Бош котибининг маҳсус элчиси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маҳсус миссияси билан биргаликда ҳаракат қилиш ва ҳар томонлама ҳамкорлик қилишга қатъий даъват этади[24].

Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги АҚШда содир бўлган террорчилик воқеалари муносабати билан ўзининг 2001 йил 13 сентябрида берган баёнотида БМТ бош котибига “БМТ тузилмаларида терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ ташкил этиш учун таъсирчан ва зудлик билан чора-тадбирлар кўриш” таклифини билдириди[25]. Ўзбекистон бу борада БМТнинг 13та конвенциясининг ҳаммасига қўшилган дунёдаги саноқли давлатлар қаторида туради.

Хавфсизлик кенгашининг терроризмга қарши кураш бўйича маҳсус қўмита таъсис этиш борасида 2001 йилда қабул қилинган қарори бевосита юқоридаги таклиф билан ҳамоҳанг бўлди. Ҳозирги кунда бу қўмита фаол иш олиб бориб, Ўзбекистон қарашлари, унинг мандат ва вазифаларига тўла мос келади[26].

БМТ шафелигида сўнгти йилларда Ўзбекистонда халқаро анжуманлар ташкил этиш мунтазамлик касб этмоқда. Хусусан, 2017 йил ноябр ойида Самарқандда “Марказий Осиё: бир ўтмиш ва умумий келажак, барқарор тараққиёт ва ўзаро фаровонлик йўлидаги ҳамкорлик”, 2018 йил март ойида Тошкентда “Тинчлик жараёни, хавфсизлик ва минтақавий ҳамкорлик” мавзуида конференция, 2021 йил Хивада “Марказий Осиё Жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” номли халқаро форум бўлиб ўтди.

2001 йилда Ўзбекистон БМТнинг Озиқ– овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо бўлиб, ҳозирги кунда ҳамкорликда техника ва қишлоқ хўжалиги соҳасида бир нечта лойиҳаларни амалга ошироқда[27]. Шунингдек, 2020 йилги БМТ нинг 75 сессисидаги нутқида Шавкат Мирзиёев Бош котиб Антониу Гуттерриш жанобларининг бугунги инқизорзли вазиятда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб муаммоларига бағишлиланган саммитни ўтказиш бўйича таклифини маъқуллаймиз. Шу билан бирга 2022 йил 24 февралдан кейин дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари танқислиги Россия- Украина можороси фонида янада кучайди. Дунёдаги кўплаб давлатларда озиқ-овқат етишмаслиги муаммоси юзага келди. Россия Федерациясининг Украинадаги

ҳарбий операцияси, глобал майдонда озиқ-овқат маҳсулотларининг 40% ва ундан ҳам юқорига ошишига олиб келди. Айниқса, нон ва ун маҳсулотлари бутун дунёда жиддий ошди. Кўпгина ҳукуматларнинг нон нархини субсидия қилишга қурби етмаяпти. Бу урушнинг геосиёсий тиравиши натижасида, нефть ва газ нархлари ҳам кескин ошди. Углеводородлар – дунё иқтисодиётининг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида, қолган барча маҳсулотлар ва хизматларнинг нархи ошишига олиб келди. Лекин, ҳали бери бу уруш тугашини ҳеч ким прогноз қила олмаяпти. Прогнозларга кўра, Африка, Яқин Шарқ, Осиё давлатларида жуда кучли ижтимоий бўхронлар пишиб етилмоқда.

2002 йил БМТнинг Ер хартияси қабул қилинди[28]. Барқарор ривожланиш бўйича Ўзбекистон Миллий комиссиясининг ташаббусига кўра Хартияниң биринчи миллий муҳокамаси Тошкентда ўтказилди. Ўзбекистон барқарор ривожланиш соҳасида БМТ билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. 2015 йилда БМТнинг “Барқарор тараққиёт мақсадлари” деб номланган стратегияси эълон қилинди. Ташкилотга аъзо давлатларнинг барчаси учун муҳим аҳамиятга эга бўлган, 2030 йилга қадар инсониятни равнақ топтиришнинг 17 та йўналишини ўз ичига олган мазкур стратегияда белгиланган мақсадларни амалга ошириш бўйича Ўзбекистонда қатор ютуқлар қўлга киритилмоқда. Масалан, таълим сифатини юксалтириш, хотин қизларнинг жамиятдаги роли ва фаоллигини ошириш, болалар ўлимини камайтириш, оналар соғлигини яхшилаш, юқумли ҳамда ҳавфли касалликларни олдини олиш, экологик барқарорликни таъминлаш борасида ижобий натижаларга эришилаётir. Бунга мисол қилиб республикамизда Давлат бюджетининг салкам 60 фоизи ижтимоий соҳа учун сарфланаётганлигини келтириш мумкин[29].

Юқоридаги фикрлардан англашиладики, БМТ дунёдаги ягона глобал ташкилотdir. Унинг обрўси ва мавқенини янада мустаҳкамлаш, глобал муаммоларни ечишдаги ўрнини қучайтириш ҳозирги даврнинг долзарб масаласидир. Бу борада, юқорида таъкидлаганимиздек, Ўзбекистон томонидан ташланган ташаббусларни халқаро миқёсда қўллаб-қувватланиши, унинг БМТ резолюцияси сифатида қабул қилиниши албатта, ташқи сиёsat борасидаги улкан ютуқларимиздан деб баҳолаш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлигига турли глобал масалалардан ташқари ижтимоий-гуманитар соҳалар ҳам алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Буни амалий ифодасини туризм, минтақавий, динларро бағрикенглик ва барқарор ривожланиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик асослари ва механизmlарини такомиллаштиришга қаратилган сайъ-ҳаракатлар мисолида кўриш мумкин. Буларнинг барчаси дунёдаги барча халқлар, жумладан, ўзбекистонликлар учун дунёни кенгроқ англашга, дахлдорлик туйғусини янада қучайтиришга хизмат қилиши муқаррардир.

Фойдаланилган адабиётлар тўплами:

1. Сколько государств признали узбекистан как независимого государство? // <https://www.google.com/search>? Мурожат этилган сана: 26.08.22.
2. Ўзбекистон панама билан дипломатик муносабатлар ўрнатди // халқ сўзи. – 2021. – 21 март.
3. МИД РУз // сотрудничество Республики Узбекистан с международными организациями. <http://www.mfa.uz>
4. Бирлашган миллатлар ташкилоти. асосий омиллар. –Тошкент: бмтнинг ўзбекистондаги ваколатхонаси, 2001. – б. 6;
5. ЦГА РУз. Республика Узбекистан: членство в международных организациях. ф. м-2. оп, 1. д, 169. л, 38.
6. Сойибназаров А. Тараққиёт йўлидан муштарак мақсадлар // Халқ сўзи. - 2021. - 2 март.
7. ЎзР МДА. ф-2037, р- 7, ж-392, в-1.
8. Абдимуминов О. Ўзбекистон Республикасининг бирлашган миллатлар ташкилоти билан муносабатлар тарихи. тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси автореферати. Тошкент. 2018. – Б. 16.
9. О визите в Узбекистан генерального секретаря ООН // <https://www.un.int/uzbekistan/fr/news/>. мурожат этилган сана: 28.08.22.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммитининг мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишлиланган ялпи мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи. – 2010. – 22 сентябрь.
11. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ бош ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади //<https://aza.uz/uz/posts/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>. Мурожат этилган сана: 26.08.22.
12. МИД РУз // Цель и задачи внешнеполитического курса узбекистана. <http://www.mfa.uz> . – с. 2.
13. Хакимов Р. Ўзбекистон ва бирлашган миллатлар ташкилоти. – Тошкент: Фофор Ғулом нашриёти, 2001. – Б. 7.
14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммитининг мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишлиланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: иқтисодиёт, 2010. – Б. 26.
15. МИД РУз // Сотрудничество Республики Узбекистан с международными организациями. <http://www.mfa.uz>
16. Шавкат Мирзиёевнинг БМТ бош ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи // <https://www.xabar.uz/jamiyat/sessiyadagi-nutq>. мурожат этилган сана: 27.08.22.

17. Абдумўминов О. Ўзбекистон ва БМТ: тарихий сессия ҳамда тарихий нутқ // <https://yuz.uz/news/ozbekiston-va-bmttarixiy-sessiya-hamda-tarixiy-nutq>. Мурожат этилган сана: 27.08.22.
18. Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТ бош ассамблеясининг 76-сессияси ишида иштирок этади // <https://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-bmt-bosh-assambleyasining-76-sessiyasi-ishida-ishtirok-etadi>. Мурожат этилган сана: 27.08.22.
19. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ бош ассамблеясининг 76-сессиясидаги нутқи // <https://review.uz/oz/post/ozbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyoyevning-bmt-bosh-assambleyasining-76-sessiyasidagi-nutqi>. Мурожат этилган сана: 27.08.22.
20. Парпиев М. халқаро ҳамжамият Ўзбекистон ташаббусларини қўллаб-кувватламоқда // Халқ сўзи. – 2021. – 21 май.
21. Жаҳон ҳамжамиятий ўзбекистоннинг конструктив ташқи сиёсатини қўллаб-кувватламоқда // Халқ сўзи. – 2020. – 31 март.
22. Нуриддинов Э. Международное сотрудничество республики узбекистан со странами Европы. – Ташкент: Чулпон, 2004. – с. 39.
23. МИД РУз // Сотрудничество Республики Узбекистан с международными организациями. <http://www.mfa.uz>.
24. Правда Востока. – 1999. – 29 декабрь.
25. Министерство иностранных дел Республики Узбекистан // Сотрудничество Республики Узбекистан с международными организациями. <http://www.mfa.uz>.
26. Ўзбекистон овози. – 2002. – 2 март.
27. Ўзбекистон овози. – 2000. – 2 март.
28. Ўзбекистон овози. – 2002. – 6 июнь.
29. Жўраев Қ. Мамлакатимиз ташаббуслари – халқаро ҳамжамият эътирофида // Халқ сўзи. – 2019. – 2 март.